ЯХШИЛИКНИНГ БАҲОСИ



*Муаллим ҳар кунги қилиғини такрорлаб, газчиларнинг ишига аралашиб, аниғи, “бурнини суқиб” юрганда, юқори босим остида ишлаётган компрессорнинг қувури ёрилиб кетибди. Бир парча темир (зўлдирми, қисқичми) қисилган ҳаво таъсирида милтиқнинг ўқидек учиб, Абдуқаҳҳорни шикастлабди. Пешонасини ёриб, кўзига ҳам жиддий жароҳат етказибди.*

2-бет

ШАВҚ ШАРОРАТИДА



*Аллани, одатда бувилар айтади, алла айтишни шуларга чиқарган. Миллийликка қайтар бўлсак, асл миллийлика — намоён бўладиган, аммо намойиш бўлмайдиган миллийликка қайтишимиз даркор.*

3-бет

Бир умрнинг заволи



*Қария, худди чақмоқ ургандай, гандираклаб кетди. Ё парвардигор! Ахир, йўлак охиридаги ҳозиргина тутқичи маккорона овоз чиқарган ўша эшикдан... ахир, ўша эшикдан ўзи оиласи билан ижарага олган учта хонага кирилади-ку! Хотини ухлаб ётибди...*

4-бет


Mustaqil gazeta

# HURRIYAT

1996-yil dekabrdan chiqa boshlagan

№6 (312) 2003-yil 12-fevral


«Ҳуррият» сизники,
Сиз ҲУРРИЯТники бўлинг!

Газетамизга обуна давом этмоқда.

**Нашр кўрсаткичимиз: Якка обуначилар ва ташкилотлар учун — 233.**

✓ Парламент

# МУҲОКАМАДА – ҚОНУНЛАР ИЖРОСИ



Олий Мажлиснинг Матбуот ва ахборот қўмитасида Ўзбекистон Республикасининг “Реклама тўғрисида”ги ҳамда “Ноширлик фаолияти тўғрисида”ги Қонунларининг Андижон вилоятидаги ижроси муҳокама қилинди. Маълум бўлишича, мазкур қонунлар ижросини таъминлашда вилоятда муайян ишлар амалга оширилган.

2003 йилнинг 1 январ ҳолатига кўра, вилоят ҳудудида 60 та ташқи реклама ўрнатилган. Бу рекламалар “Тасвирий ойина” уюшмаси томонидан йўлга қўйилган бўлиб, улар умумий ташқи ижтимоий рекламаларнинг қарийб 100 фоизини ташкил этади. Шунингдек, реклама тарқатиш ҳуқуқига эга бўлган ОАВ — телевидение, радио ҳамда маҳаллий нашрларда қонун талаблари асосида иш олиб борилмоқда.

Вилоят ҳокимлигининг ташқи рекламаларни жойлаштириш бўлими билан ҳамкорликда ўтказилган мониторингларда айрим жисмоний ва ҳуқуқий шахслар томонидан “Реклама тўғрисида”ги Қонуннинг баъзи моддаларига зид равишда, яъни қонуний рухсат олмаган ва тегишли солиқларни тўламаган тарзда ташқи реклама воситаларидан фойдаланганлик ҳоллари аниқланган бўлса-да, вилоят, шаҳар, туманларда реклама-ни йўл белгилари, светофор тиргакларига илиб қўйиш, уларни маданий мерос ҳисобланган биноларга, йўл ҳаракати қоидаларининг бузилишига олиб келадиган вазиятларни юзага келтириш эвазига жойлаштириш ҳоллари учрамайди.

Бугунги кунда Андижон вилоят ҳудудида 4 та давлат тасарруфидаги, 1 та ҳиссадорлик жамияти туридаги нашриёт ва 25 та хусусий кичик босмахоналар фаолият олиб бормоқда.

Нашр маҳсулотларининг сифати ва мазмуни бугунги кун талабларига қай даражада мос келиши вилоят матбуот ва ахборот бошқармаси томонидан мунтазам назорат остига олинган ҳамда улар ноширлик ва мавзулар йўналишини, китоблар нусхасини белгилашда мустақил равишда иш юритмоқда.

Хулоса қилиб айтганда, вилоятда реклама берувчи, реклама олувчи ва уларни тарқатиш ҳуқуқига эга бўлган мутасадди ташкилотлар ўз ишига бўлган ёндашувларини тегишли қонунлар асосида олиб бораётганлари эътирофга лойиқ.

**Ўз мухбиримиз**

АЗИЗ ВАТАНДОШЛАР! ҚУРБОН ҲАЙИТИ БАЙРАМИНГИЗ МУБОРАК БЎЛСИН!

*(Мақолаларимизни 3-саҳифада ўқинг)*

# САМИМИЙ ҚУТЛОВЛАР

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийларига**

Қурбонлик ва оила қадриятлари тўғрисида ўй-фикр юритиладиган ушбу муборак онда мен Америка халқи номидан Ийд ал-Адҳо — Қурбон ҳайити муносабати билан энг эзгу тилакларни изҳор этаман. Америка халқи бу қадриятларни Ўзбекистон халқи билан бирга баҳам кўради ва унга ўтган йилги мадади учун миннатдорлик билдиради. Умид қиламизки, мамлакатларимиз ўртасидаги дўстлик келгусида ҳам ўсишда давом этади.

Самимият ила,

**Жорж БУШ,**
**Америка Қўшма Штатлари Президенти**

* * *

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийларига**

Ассалому алайкум ва раҳматуллоҳи ва баракотуҳу.

Муқаддас Ийд ал-Адҳонинг кириб келиши муносабати билан Сиз, Жаноб Олийлари ва дўст Ўзбекистон халқига шахсан ўзим ва Сурия халқи номидан самимий табрик ва эзгу тилаклар йўллаш менга мамнуният бахш этади.

Фурсатдан фойдаланиб, Сизга мустаҳкам соғлик ва бахт-саодат, халқингизга эса давомий тараққиёт ва фаровонлик тилайман.

Қодир Аллоҳдан барча эзгу амалларимизни ислом уммати равнақига йўллашини сўрайман.

Эҳтиром ила,

**Башар ал-АСАД,**
**Сурия Араб Республикаси Президенти**

* * *

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийларига**

Муҳтарам Президент,

Қурбон байрами муносабати билан Сиз, Жаноб Олийларини чин юракдан қутлайман.

Ушбу фурсатдан фойдаланиб, Туркия халқи ва ўз номимдан Сиз, Жаноб Олийларига соғлик ва бахт-саодат ҳамда Ўзбекистон халқига омонлик ва фаровонлик истаб, энг яхши тилакларимни йўллайман.

**Аҳмет Нежде СЕЗЕР,**
**Туркия Республикаси Президенти**

✓ Танлов

# ЖУРНАЛИСТ СУДЬЯ БИЛАН КЕЛИША ОЛСА...

*«Коррупция бўлади-ку», дейишди айрим маърузачилар*

7 феврал куни ажойиб йиғилиш бўлди. Лекин ажойиблиги анъанавийлигида эмас. Дарвоқе, анъанавийлик ҳақида. Учинчи ҳокимият идоралари ичида матбуот, айниқса ҳуқуқий мавзуда қалам тебратадиган журналистлар билан Олий хўжалик судичалик яқин ҳамкорлик ўрнатган тармоқ йўқ ҳисоби. Буни ботбот бўладиган учрашувлар, семинарлар ёки Ўзбекистон Оммавий ахборот воситаларини демократиялаштириш ва қўллаб-қувватлаш ижтимоий-сиёсий жамғармаси билан биргаликда мунтазам ўтказиб келинаётган “Ҳуқуқ ва бурч” республика танлови, қолаверса шу куни бўлган “Суд-ҳуқуқ ислоҳотларининг оммавий-ахборот воситаларида ёритилиши муаммолари” мавзусидаги илмий-амалий семинар ҳамда 2002 йилги танлов якунлари ҳам тасдиқлаб турибди.

Йиғилишда Олий хўжалик суди раиси Мирзоулуғбек Абдусаломов эътиборли бир рақамни тилга олди: Олий хўжалик судининг вакиллари 2002 йилда оммавий-ахборот воситаларида 1200 га яқин чиқиш қилишган. Бу таҳсинга лойиқ иш. Ўзбекистон Оммавий ахборот воситаларини демократиялаштириш ва қўллаб-қувватлаш ижтимоий-сиёсий жамғармаси ҳамраиси Хуршид Дўстмуҳаммад ўз сўзида матбуотда эълон қилинган ва кўпчиликнинг эътиборини қозонган чиқишлар, кўрсатув ва эшиттиришлар борлигини аниқ мисоллар воситасида гапириш билан биргаликда тилга тушган, шу соҳага ихтисослашган журналистлар ҳали бармоқ билан санарли эканини ҳам таъкидлади. Юрист табиатан масъулиятга, журналист эса эҳтиросга яқин туради. Шундай экан, журналист эҳтирос билан масъулият ўртасида юриши керак.

Семинарда сўзга чиққанлар турфа хил фикрларни билдирилар. Журналистлар, айниқса суд ҳукмларига муносабат билдираётганларида гоҳида эҳтиросни жиловлолмаётганлари таъкидланди. Шахс ҳуқуқи — дахлсиз. Шахсга нисбатан ҳурматни сақлаш керак. Ёки айрим ҳолларда журналистлар қуйи суднинг чиқарган ҳукмига қарабоқ шошилиб муносабат билдираверадилар. Негадир кассация, аппеляция босқичларини унутиб қўйишади. Қолаверса, буюртмамонанд мақолалар ҳам чоп этилаётганини назардан қочириб бўлмайди... Бундай фикрларни табиийки кўпроқ суд ходимлари билдирдилар.

Журналистларнинг ҳам дарди ичида экан. Уларнинг айтишича суд ишлари юзасидан чиқарилаётган барча ҳукм ва ажримларни, афсуски, адолатли ёки тўғри, деб бўлмайди. Шундоқ кўриниб турган адолатни кўрмаслик, ундан кўз юмишлик беихтиёр бу ерда таъмагирлик йўқмикан, деган хулосага ҳам олиб келади.

Сўзга чиққанлардан бири судьялар ҳақида очерклар ҳам ёзиб туриш керак, деган фикрни ўртага ташлади. Бошқаси бири расмий, иккинчиси норасмий бўлган ҳокимият вакилларини муросага чақирди. Ихтисослашув ҳали ҳам долзарблигича қолаётгани ва зарурлиги англашилди. Қани эди, журналист- юрист, ёки юрист-журналистлар кўп бўлишса?...

Дарвоқе, каминани суд вакиллари билан матбуот ходимларининг келишиб ишлаши ҳақидаги фикрлар ғоят ҳушёр торттирган бўлса, уни рад этгувчи, яъни бундай ҳол рўй берса унда коррупция бўлади-ку, деган фикрлар бир қадар хотиржам қилди. Эҳтимол ўша маърузачи ҳамкорлик, алоқа қилиш маъносида гапиргандир. Бу энди бошқа гап...

Назаримда бундай анжуманларни кўп-кўп ўтказиш керак. Чунки ҳар икки томонга ҳам фойдаси тегади. Лекин у ҳар икки томонни ҳам тил топишиш, муроса қилишдан кўра адолат ва англаш каби юксак даражаларга кўтарилишига хизмат қилиши керак. Шундагина нафақат икки томонга, балки биз кўп-да унутиб қўядиган оддий фуқарога кўпроқ фойдаси тегарди.

**Исмат ХУДОЁРОВ**

*Семинар сўнггида юқорида айтганимиз “Ҳуқуқ ва бурч” республика танловининг 2002 йилги ғолиб ва совриндорлари эълон қилинди.*

### Танлов ғолиблари:

**Муаттар АСҚАРОВА,** Ўзбекистон Телерадиокомпанияси “Ахборот” таҳририяти шарҳловчиси — 50 минг сўм.

**Турсунали АКБАРОВ,** “Ҳуррият” газетаси бўлим муҳаррири — 50 минг сўм.

### Таҳририятлар бўйича:

***1-ўрин: “Мулкдор” газетаси — 100 минг сўм;***
***2-ўрин: “Моҳият” газетаси — 60 минг сўм;***
***3-ўрин: “Адолат кўзгуси” — “Зеркало” (Сирдарё вилояти)газетаси — 40 минг сўм.***

### Рағбатлантирувчи мукофотлар:

**Қимматбаҳо совға ва диплом билан:** Рустам АҲМАДАЛИЕВ (“Адолат”), Фарҳод АҲМЕДОВ (“Хўжалик ва ҳуқуқ” журнали), Наталья КОЧУБЕЙ (“Правда Востока”), Маъмуржон ҚИЁМОВ (“Ўзбекистон овози”), Рўзибой ҚЎЛДОШЕВ (“Ўзтелерадиокомпания”), Зокиржон ҚЎЗИБОЕВ (“Ўзтелерадиокомпания”), Ҳайдар ТЕМИРОВ (Сирдарё вилояти хўжалик суди раиси), Ҳулкар ТЎРАЕВА (“Ўзтелерадиокомпания”), Абдунаби ҲАЙДАРОВ (“Халқ сўзи”), “Диёнат” газетаси (Наманган вилояти), Ғофур АБДУМАЖИДОВ (ҳуқуқшунос), Нодир АЛИМОВ (“Банк ахборотномаси”) Рўзибой САИДОВ (Олий хўжалик суди).

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 10-йиллигига бағишланган материаллари учун “Инсон ва қонун” газетаси ҳам махсус дипломга сазовор бўлди.

«Ҳуррият»ни самода ҳам ўқишмоқда



**2003 йил давомида «Ҳуррият» «Ўзбекистон ҳаво йўллари» авиакомпанияси самолётларида йўловчиларнинг энг яқин ҳамроҳи бўлади.**

✓ МММда

## ЭКРАНДА – НАҚШЛАР ЖИЛОСИ

Республика Миллий матбуот марказида “Ўзбектелефильм” киностудияси ижодкорлари томонидан суратга олинган “Наққош” ҳамда “Нақшлар жилоси” номли янги телефильмларнинг тақдимот маросими бўлиб ўтди. Тақдим этилган фильмларнинг ҳар иккиси ҳам Камолиддин Беҳзод номидаги Давлат мукофоти совриндори, наққош ва ганжкор уста академик Анвар Илҳомов ва у кишининг шогирдлари ижодига бағишланган бўлиб, фильмларга таниқли кино устаси Ғайрат Раҳматуллаев муаллифлик қилган.

Тадбирда сўз олганлар халқ амалий санъатининг юксак намуналаридан ҳисобланган наққошлик ва ганчкорликка ҳамда уларнинг ижодкорларига нисбатан ҳукуматимиз эътибори ҳақида илиқ фикрлар билдиришди. Фильмни кузатар экансиз ушбу гўзал ҳамда нозик санъат асарлари ўта оғир меҳнатлар самараси эканлигига амин бўласиз.

Тақдимот маросимида фильм ижодкорлари билан бирга оммавий ахборот воситалари вакиллари ҳам иштирок этишди.

**Жамила АСҚАРОВА**

✓ Муаммо

# ҲОКИМ ТЕАТРГА БОРЯПТИМИ?

***Ўзбектеатр” бирлашмаси ташаббуси билан тузилган ижодий гуруҳ театрларимизнинг бугунги аҳволини обдон ўрганишга киришди. Демак, дастлабки умумий хулосалар бор. “Ўзбектеатр” ижодий ишлаб чиқариш бирлашмаси раҳбари Омон РИЗАЕВ Фарғона ва Наманган вилоят театрларидаги муаммолар хусусида очиқ-ойдин суҳбатлашди.***

**— Омон ака, вилоят театрларимиздаги ижодий муҳит, репертуар анчайин ташвишли аҳволга тушиб қолгани сир эмас. Ижодий гуруҳ уюштирган сафар бу ҳолатларни тиклашга нечоғли ҳисса қўша олади, деб ўйлайсиз?**

— Фарғона ва Наманган вилоят театрлари кеча пайдо бўлган жамоалар эмас. Уларнинг театрчиликда ўзига хос мактаби бор, десак муболаға бўлмайди. 1919 йилда Ҳамза ташаббуси билан Миршоҳид Мироқилов кўмагида ташкил топган Қўқон шаҳар мусиқали драма театрида халқ артистлари — Лутфихоним Саримсоқова, Раҳима Мазоҳидовалар ишлашган. Алишер Навоий номидаги Наманган вилоят мусиқали драма театри Раззоқ Ҳамроев, Турсуной Жаъфарова, Ҳабиба Охунова сингари халқ суйган санъаткорларни кўрган.

Ана шундай машҳур театр саҳналарида нега бугунги давр қаҳрамонлари кўринмаяпти? Нега театр одамларни ўзига ром қила ололмаяпти? Мазкур саволларга жавоб топиш, ижодий муҳитнинг бевосита ичига кириб бориш, бир-биримизни яқиндан билиш мақсадида уюштирган сафаримиз актёрлар ва бизга назаримда жуда кўп нарса берди ва беради. Бу ишни анча илгари бошлашимиз, кетма-кет такрорлашимиз лозим эди. Юзма-юз мулоқотлар шуни ойдинлаштирдики, асосан икки сабабга кўра вилоят театрлари янгича ишлай олмаяптилар. Биринчиси — жамоада боқимандалик кайфиятининг устунлиги. Масалан, Алишер Навоий номидаги Наманган вилоят мусиқали драма театрини олиб кўрайлик. Театр биноси яқинда тўлиқ таъмирдан чиқарилди, ҳамма шароитлари муҳайё. Лекин бош режиссёр йўқ. Қўқон шаҳар мусиқали драма театрида ҳам шунақа муаммо...

Ҳамма гап жамоада, деб ўйлайман. Жамоа режиссёрга муҳтожлик сездими, келишув билан ишга қатъий киришиш керак. Менталитетимизга хос андиша, мулоҳазакорликнинг баъзан ҳаддан ошиши, қолаверса, ён-атрофдагиларга олақарға бўлиб кўринишдан ҳайиқиш иллатлари гўё қўл-оёқларимизни занжир каби боғлаб олган. Бу борада ҳам меъёрни билишимиз керак. Қолаверса, яккаҳукмронликни яхши кўрадиган, жамоага етук режиссёр келишига зимдан қаршилик қилаётган бош директорлар ҳам йўқ эмас. Аммо бола йиғламаса, она сут бермайди.

Наманган вилоят мусиқали драма театрининг айрим имкониятлари Тошкентдаги Муқимий театриникидан кам эмас. Лекин бирорта ҳам яхши спектакл қўйолмади. Жамоада ёшлар деярли йўқ. “Чимилдиқ”даги куёвни қирқ ёшларни қоралаган актёр ўйнади. Дарвоқе, “Чимилдиқ”ни режиссёр Маъруф Отажонов саҳналаштирибди. Мелодраманинг ўзи: комедияга сира ўхшамайди.

**— Уни биз ҳам томоша қилдик. Сиз ҳақсиз. Масалан, актёр саҳнада бирор предметни олиши керак, дейлик. Наманганлик актёрлар минг мулоҳаза, ўй билан қадам босади ва рисоладаги ахлоқ нормаларига кўра хатти-ҳаракатлар қилиб, предметни олади. Ҳаётда бундай қилмаймиз-ку. Югуриб бориб шартта оламиз-қўямиз. Шундай қилишмаса спектаклдаги ҳаётий темп тушиб кетади. Демак гап яна режиссёр масаласига тақалаяпти. Режиссёр танқислигини шу кеча-кундузда ҳал қилса бўладими?**

— Жамоага пойтахтдан муносиб мутахассис юбориш имконимиз бор. Аммо олдимизда уни уй-жой билан таъминлаш масаласи кўндаланг бўляпти. Ҳар бир театрда жамоа маъқул кўрган маҳаллий номзодлар ҳам бўлиши мумкин. Лекин уларни танлаб шартнома асосида ишни бошлаб юборишга нимагадир киришмайдилар. Юқоридан нимадир кутишади. Энди сўз олдик, омон бўлсак, кўрамиз...

**— Гап режиссёр масаласига тақалар экан, айтмасдан иложим йўқ. Агар ёдингизда бўлса, бундан олти ойча бурун камина санъатшунослик фанлари номзоди, доцент Д.Раҳматуллаева билан қилган суҳбатимизда асосий муаммо бош режиссёрнинг йўқлигида, деган хулосага келган эдик. Сизга мурожаат қилганимизда эса “Яқин орада Ўзбек давлат Академик Миллий драма театрида бош режиссёр иш бошлагани хусусида янгилик эшитасиз”, дегандингиз. Шунгаям анча вақт бўлибди...**

— Ёдимда бор. Ўшанда менинг “Ўзбектеатр”га раҳбар этиб тайинланганимга атиги уч кун бўлган эди. Вазиятни обдон ўргандим. Жамоадагилар билан суҳбатлашдим. Вазият мен англаганимдан анча мураккаб бўлиб чиқди. Бир ойлар бўлиб қолди, театрга Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Валижон Умаров бош режиссёр этиб тайинланди.

**— Сафар воқеалари туширилган кассетани томоша қиларканман бир тасвирдан ҳайратга тушдим. Жамоа билан учрашув пайтида наманганлик бир кекса актёр олдинги қаторда мириқиб ухлаяпти. Тасвирчи ҳам у кишини эринмасдан суратга олибди. Пойтахтдан раҳбарлар келган, оғриқли муаммолар кўтарилаяпти, қолаверса улар сенга ёрдам беришмоқчи, шундай пайтда ичингдагини айтиб қолмайсанми, бунақа имконият яна бўладими-йўқми? Йўқ, актёримиз мириқиб ухлаяптилар... Бир пайт сесканиб уйғониб кетдилар... Узр, уйқуни буздик, дегандай тасвирчи чекинди. Бунақа актёрлардан ҳам воз кечиш керакми дейман-да...**

- ***40 ёшли “куёв”***
- ***Режиссёр анқонинг уруғими?***
- ***Йиғилишда кекса актёр ухлаб ўтирди.***
- ***Вилоятдаги актёр қанча маош олади?***
- ***Қўқон театри томидан чакка томаяпти***

*(Давоми 4-бетда)*

✓ Дунё

## УРУШ НАФАСИ

**Шанба куни Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг инспекторлар миссияси раҳбари Ханс Бликс ҳамда МАГАТЭ бошлиғи Муҳаммад ал-Барадей Ироққа ташриф буюришди. Улар 14 февралда ушбу ташриф натижаларини БМТ Хавфсизлик Кенгаши эътиборига ҳавола этишлари лозим.**

**Сўнгги хабарларда кўрсатилишича, Қўшма Штатлар ҳамда Буюк Британия ҳукумати Форс кўрфазида ўзларининг ҳарбий кучларини жамлашда ҳали-ҳануз давом этмоқда. У ерга 101-ҳаво десант дивизияси билан бирга “Китт Хок” номли авиация кучлари етиб келганлиги ҳақида Би-би-сининг Вашингтондаги махсус мухбири Жон Лейн хабар беради. Унинг таъкидлашича, ҳозирда 200 минг Америка ҳарбийлари ва 40 минг атрофидаги Британия аскарлари Ироққа қарши олиб борилиши кутилаётган ҳарбий ҳаракатларда иштирок этиш учун шай турибди.**

**АҚШ Мудофаа вазири Дональд Рамсфелд Ироқни қуролсизлантириш ва уни БМТ Низомларида кўрсатилган талабларга сўзсиз итоат эттириш мақсадида олиб борилаётган бундай ҳарбий ҳаракатлар кўп вақт талаб этмайди ва бунда Америка ҳарбий резервининг оммавий сафарбар этилиши эҳтимоли ниҳоятда кам.**

**У Ироқ билан йўлга қўйилган 12 йиллик дипломатия алоқалари ҳеч қандай натижа бермаган ва Саддам ҳукумати ҳалигача қуролсизланишни истамайди, деб ҳисобламоқда.**

**Шунингдек, Рамсфелд расмий ташриф билан Италияда бўлган. У Италиянинг “Авиано” деб номланган авиабазасини кўздан кечириб, ҳарбий ҳаракатларда ушбу база самолётларидан ҳам фойдаланиш мумкинлигини айтган. Унинг фикрича, ҳарбий операция олти кунга, балки олти ҳафтага, ҳар эҳтимолга қарши, олти ойгача сурилиши мумкин. Бироқ Франция Бош вазири Жан-Пьер Раффарэн эса “Бу — оддий ўйин эмас ва узил-кесил ҳал этилмаган”, деган фикрда.**

GLOBUS international life

**Сапармурод Ниёзов:**

## «МЕНИ ЎЗ ҲОЛИМГА ҚЎЙИНГ»

**Туркманистон Президенти ҳукумат вакилларига ўз обрў-эътибори хусусида тарқатилаётган гап-сўзлардан чарчагани ҳамда уларни тўхтатиш учун оммавий ахборот воситалари зудлик билан бирор чора қўллашларини ташкиллаштириш лозимлигини айтган.**

**“Қачон телевизорни ёқсам, унда мен ҳақимда, онам ёки отам ҳақида кўрсатув берилаётган бўлади. Сизлардан мени улуғлашни бас қилишни илтимос қиламан, акс ҳолда мен умуман телевизор кўрмайман”, - дейди Туркманистон Президенти Сафармурод Ниёзов.**

**Нодир ШОҲ тайёрлади**

## ОҚ УЙ АҚШ ИҚТИСОДИЁТИДАН ТАШВИШДА

**АҚШ раҳбарияти иқтисодиётга сарф қилинаётган катта маблағларга қарамасдан мамлакат иқтисодиёти кўрсаткичларининг пасайиб бораётганлигидан ташвишга тушмоқда. Бу тўғрида ўтган ҳафта Оқ уйнинг иқтисод масалалари бўйича маслаҳатчиси Гленн Хаббард хабар қилди. Бундай фикрга келишга асосий сабаблардан бири яқинда АҚШ Федерал заҳира системаси (ФЗС)нинг кўпчилик экспертлар учун кутилмаган мазкур иқтисодий маълумотларни тарқатиши бўлди. Унга кўра, АҚШ саноати кўрсаткичлари 2002 йилнинг декабрида 0,2% га тушган ва 2000 йилдан бери АҚШ саноат кўрсаткичларининг ўсиши атиги 1% ташкил қилган, Бу — охирги 20 йил ичидаги энг паст кўрсаткичдир.**

**Мавлон ШУКУРЗОДА**

